

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМАДЖОНОВ НУРБЕК ЗОКИРЖОН ЎҒЛИ

БАДИИЙ УСЛУБДА ҚЎЛЛАНГАН ПРЕЦЕДЕНТ НОМЛАРНИНГ
ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 - Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (PhD) ФАЛСАФА ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Ахмаджонов Нурбек Зокиржон ўғли

Бадий услубда қўлланган прецедент номларнинг лингвопоэтик тадқиқи.....3

Axmadjonov Nurbek Zokirjon o'g'li

Linguopoetic study of precedent names used in belles-lettres.....27

Ахмаджонов Нурбек Зокиржон ўғли

Лингвопоэтическое исследование прецедентных имен употребляемых
в художественном стиле49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМАДЖОНОВ НУРБЕК ЗОКИРЖОН ЎҒЛИ

БАДИИЙ УСЛУБДА ҚЎЛЛАНГАН ПРЕЦЕДЕНТ НОМЛАРИНИНГ
ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 - Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (PhD) ФАЛСАФА ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fil1407 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме) Фарғона давлат университети веб-сайти www.fdu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шукуров Раҳматилло Мирзатиллаевич
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Одилов Ёрқинжон Раҳмоналиевич
филология фанлари доктори, профессор

Абдурахмонов Шавқатжон Ашурович,
филология фанлари номзоди, доцент

Ётақчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «29» ноябрь 2022 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Фарғона шаҳри, Б.Маргиноний кўчаси, 107-уй. Тел.: (993873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (204 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28).

Диссертация автореферати 2022 йил «17» ноябрь кун тарқатилди.
(2022 йил «17» ноябрь даги 60 рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Искандарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

А.Б.Мамажонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида кейинги йилларда тилнинг миллий хусусиятларини характерловчи бирликлар сифатида прецедент номлар ва уларнинг бадий услубдаги функцияси сифатида намоён бўлувчи поэтонимлар масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тилшуносликнинг ушбу лингвомаданий йўналиши бошқа тилшунослик соҳалари каби муҳим ва кенг қамровли бўлиб, доимий ривожланиш ва такомиллашиш босқичидадир. Бугунги кунда тилшуносликда олиб борилаётган лингвопоэтик тадқиқотлар, жумладан, прецедент бирликлар (номлар) доирасида амалга оширилаётган изланишлар соҳа ривожига алоҳида амалий аҳамиятга эга.

Дунё тилшунослигида антропоцентрик парадигма йўналишлари сифатида социолингвистика, когнитив тилшунослик, прагмалингвистика, лингвокультурология, психолингвистика каби соҳаларнинг юзага келиши янги илмий-тадқиқот соҳаларининг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб бадий матннинг тил билан боғлиқ хусусиятларини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳар қачонгидан кучайди. Бунинг натижасида, айниқса, мустақиллик йилларида лингвопоэтика деб номланувчи тилшунослик тармоғи анча шаклланди ва тилшуносликнинг бошқа йўналишлари орасида мустақам ўрин эгаллади. Шундай экан, бадий матнларда прецедент номларни лингвопоэтик нуқтаи назардан тадқиқ этиш мураккаб, айти пайтда ўрганилиши ниҳоятда муҳим ва ўзига хос ҳодиса эканлиги мазкур ишнинг долзарблигини белгилайди.

Янги Ўзбекистон шароитида миллий тилимизнинг қўлланиш кўламини ҳар томонлама кенгайтириш, илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш натижасида “Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуғ мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди”¹. Мамлакатимизда, айти вақтда, антропоцентрик йўналишни чуқурроқ ўрганиш “оламнинг миллий лингвистик манзараси”ни миллий заминда туриб тадқиқ этиш имконини бермоқда. Тилшуносларнинг прецедент бирликларга, хусусан, прецедент номларга катта қизиқиш билан қарашлари турли тил вакилларининг мулоқоти натижасида содир бўлувчи лингвомаданий жараёнлар билан изоҳланади. Зеро, ҳар қандай миллатнинг узоқ-яқин ўтмишида бутун халққа танилган машҳур шахслари, афсонавий халқ қаҳрамонлари, эътиборга молик манзилгоҳлари, машҳур тарихий воқеликлар билан алоқадор номлар ана шу лингвомаданий ҳамжамиятнинг лисоний хотирасида турли ассоциациялар билан боғлиқ тарзда сақланиб туради. Шунга кўра, кейинги йилларда Ўзбекистонда олиб борилаётган илм-фаннинг ривожланиши йўлидаги сайъ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси. 2019 йил, 21 октябрь кунги сони.

ҳаракатлар, айниқса, тилга, тил илмига бўлган муносабатнинг янги босқичга кўтарилаётганлиги миллий ўзлигимизни акс эттирувчи ҳамда ўзида маълум бир маданий кодни ифодаловчи поэтонимларни лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этиш имконини яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон, 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сон, 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида лингвистик шахс тушунчаси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Натижада шахснинг когнитив базасини, унга киритилган тил бирликларини ўрганиш фаоллашди. Хусусан, рус тилшунослигида прецедент номлар кенг ва чуқур тадқиқ этила бошланди. Бу ишларнинг натижаси ўлароқ Ю.Н.Караулов, Д.В.Багаева, О.С.Боярских, С.В.Банникова, Ю.А.Блинова, О.А.Ворожцова, Д.Б.Гудков, И.П.Зырянова, М.Ю.Илюшкина, Е.Ф.Косиченко, С.Л.Кушнерук, Е.А.Нахимова, Н.М.Орлова, Ю.Б.Пикулева, Г.Г.Сергееваларнинг прецедент бирликлар ва уларнинг турларидан бири ҳисобланган прецедент номларни махсус ўрганишга қаратилган тадқиқотлари² немис тилшунослигида Brendler

² Караулов Ю.Н. Роль прецедентных текстов в структуре и функционировании языковой личности / Ю.Н. Караулов // Научные традиции и новые направления в преподавании русского языка и литературы. Доклады советской делегации на VI конгрессе МАПРЯЛ. – М.: Русский язык, 1986. – С. 105-126; Д.В.Багаева, Д.Б.Гудков, В.В.Красных, И.В.Захаренко // Прецедентное имя и прецедентное высказывание как символы прецедентных феноменов; Язык, сознание, коммуникация. – М., 1997. Вып. 1. – С. 82-103; Боярских О.С. Прецедентные феномены со сферой-источником «литература» в дискурсе российских печатных СМИ (2004-2007): автореф. дис. ... канд. филол. наук: 10.02.01/Боярских Оксана Сергеевна. – Екатеринбург, 2008; Банникова С.В. Прецедентность как лингвокультурный феномен (На материале английских и русских текстов): дис. ... канд. филол. наук [Текст] / С.В.Банникова. – Тамбов, 2004; Ворожцова О.А.

Andrea, Brendler Silvio, Debus Friedhelm, Wolfgang Fleischer, Д. Lamping каби тилшуносларнинг ишлари³ майдонга келди.

Туркологияда ҳам прецедент бирликлар (номлар) ва ономастикага оид муайян тадқиқот ишлари олиб борилди. Жумладан, А.Э.Эрнисова, С.Ю.Абодуллоева, Л.В.Била, Л.М.Ахметзянова, Б.З.Туребаева, Т.Х.Кусимов, Б.Досжановларнинг тадқиқот ишларини⁴ эътироф этишимиз мумкин.

Ўзбек тилшунослигида ҳам ономастик бирликлар кенг тадқиқ этилган бўлиб, Э.Бегматов, Ғ.Сатторов, С.Рахимов, Д.Юлдошев, Р.Худойберганов, С.Хусанов, Н.Улуқов, Я.Авлақулов, Д.Анданиязова, М.Мамажонов, С.Кенжаевларнинг тадқиқот ишларини⁵ алоҳида тилга олиш мумкин. Лекин

Лингвистическое исследование прецедентных феноменов в дискурсе российских и американских президентских выборов 2004 года: Автореф. дис. ... канд. филол. наук: 10.02.20 / Ворожцова Ольга Александровна. – Екатеринбург, 2007; Гудков Д.Б. Прецедентные феномены в языковом сознании и межкультурной коммуникации: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук [Текст] / Д.Б. Гудков. – М., 1999; Зырянова, И.П. Прецедентные феномены в заголовках российской и британской прессы (2005-2009 гг.): Автореферат ... к.ф.н./Зырянова И.П., [Урал.гос. пед. ун-т]. – Екатеринбург, 2010; Илюшкина, М.Ю. Прецедентные феномены в российской и британской печатной рекламе услуг для туристов: дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.20 / Илюшкина Мария Юрьевна. – Екатеринбург, 2008; Косиченко, Е.Ф. Прецедентные имена как средство выражения субъективной оценки: Автореф. дис. ... канд. филол. наук: 10.02.19/ Елена Федоровна Косиченко. – М., 2006; Кушнерук, С.Л. Сопоставительное исследование прецедентных имён в российской и американской рекламе.: дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.20 / Светлана Леонидовна Кушнерук. – Екатеринбург, 2006; Нахимова, Е.А. Теория и методика когнитивно - дискурсивного исследования прецедентных онимов в современной российской массовой коммуникации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук – Екатеринбург, 2011; Орлова Н.М. Библейский текст как прецедентный феномен: Автореф. дисс. ... док. филол. наук : 10.02.19 / Орлова Надежда Михайловна. – Саратов, 2010; Пикулева, Ю.Б. Прецедентный культурный знак в современной телевизионной рекламе: лингвокультурологический анализ: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.01/ Пикулева Юлия Борисовна. – Екатеринбург, 2003; Сергеева Г.Г. Прецедентные имена и понимание их в молодежной среде (школьники 10-11 класса): Автореф. дисс. ... канд. Филол. наук: 10.02.19/ Галина Георгиевна Сергеева. – М., 2005;

³ Fleischer W. Name und Text. Ausgewählte Studien zur Onomastik und Stilistik. – Tübingen: Max Nimeyer Verlag. 1992. – S. 189; Friedhelm D. Namen-Bedeutsamkeit und Namen-Inhalt/ Zur Semantik der nomina propria. В сборнике: Grohmann H., Kühn A. (eds) Friedhelm. Kleinere Schriften, Bd.3. Hildesheim 2007. – S. 447- 455; Brendler Andrea, Brendler Silvio. Namenarten und ihre Erforschung. Ein Lehrbuch für das Studium der Onomastik. – Hamburg: Baar, 2004. – S. 52-54; Leys O. Was ist Präzedentfälle? – In Debus: Seibicke. 1989. – S. 143-165; Lamping D. Der Name in der Erzählung zur Poetik des Personennamens. Max Verlag. – Bonn, 1983. – S. 23-28;

⁴ Эрнисова А.Э. Прецедентные феномены русского языка в инокультурной среде (на материале русскоязычного дискурса в Кыргызстане) Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Бишкек: 2020; Абодуллоева С.Ю. Ономастикон Суфийской Поэзии: структурны, семантический и функциональный аспекты (на материале произведений Абдулмаджа Санаи, Фаридаддина Аттара и Джалаладдина Балхи) диссертация на соискание учёной степени доктора филологических наук. – Хорог: 2016; Била Л.В. Структурно-семантические и функциональные особенности антропонимов в сатирической прозе М.А. Булгакова: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Киев: 1997; Ахметзянова Л.М. Антропонимы в художественных текстах Д. Хармса: структурно-семантический аспект: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Казань: 2009; Туребаева Б.З. Прецедентные феномены как средство формирования культуроведческой компетенции при обучении русскому языку учащихся старших классов казахской школы Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Москва, 2000; Кусимова Т.Х. Древнебашкирские антропонимы: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 1975; Досжанов Б. Древние антропонимы в казахском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Астана, 2001;

⁵ Бегматов, Э. А. Антропонимика узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент: 1965; Сатторов Ғ.Х. Ўзбек антропонимиясининг туркий қатлами: Филол. фанлари номзоди ... дисс: Автореф. – Тошкент: 1990;⁵ Рахимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент: 1998; Юлдошев Д. Атоқли отларнинг антропоцентриқ тадқиқи: Филол. фан... д-ри дисс: Автореф. – Тошкент: 2021; Худойберганов Р. Ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги: Филол. фанлари

ономастик бирликлар гуруҳига кирувчи поэтик қийматга эга номлар (поэтонимлар) эндигина тадқиқотчиларимизнинг эътиборини торта бошлади. Хусусан, М.Саидалиеванинг “Ўзбек прецедент номларининг қўлланилишидаги айрим жиҳатлар”, “Прецедент номлар тадқиқи юзасидан мулоҳазалар”, З.Ўринованинг “Прецедент номлар интертекстуал бирлик сифатида” М.Хайитбоевнинг “Тилшуносликда прецедент номларнинг ўрганилишига доир” Б.Жалиловнинг “Прецедент термини ва унинг турли луғатлардаги изоҳи” номли мақолаларида⁶ мазкур масалага бағишланган айрим фикр-мулоҳазалар билдирилганлигини таъкидлаш мумкин. Шунга қарамай, кенг қамровли прецедент бирликлар орасида муҳим ўрин эгаллаган прецедент номлар ўзбек тилшунослигида жиддий тарзда ўрганилмаганлиги, айниқса, уларнинг лингвопоэтик табиати, турлари, хусусиятлари, услубий имкониятлари бадиий матнлар мисолида махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу диссертация ишининг аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек тилининг замонавий ономастика муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шеърӣ ва насрий асарларда қўлланилган прецедент номлар ҳамда поэтонимларнинг услубий-функционал, семантик ҳамда лингвопоэтик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Прецедент ном тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб берувчи қуйидаги вазифаларни аниқлашдан иборат:

прецедент ном тушунчасининг бадиий матндаги хусусиятларини очиб бериш;

шоир ва ёзувчи асарларида қўлланувчи прецедент номларнинг услубий ва лингвопоэтик имкониятларини аниқлаш;

номзоди... дисс. – Тошкент: 2008; Хусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент: 2014; Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2010; Авлақулов Я. Ўзбек тили ономастик бирликларининг лингвистик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2012; Анданиязова Д.Р. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол. фан. буйича фалсафа докт. (PhD) ... дисс: Автореф. – Тошкент: 2017; Мамажонов. М. Антропонимлар дискурс релевант сифатида: Филол. фан. ном ... дисс: Автореф. – Фарғона: 2020; Кенжаева С. Ўзбек тили антропонимларининг номинацион-мотивацион асослари ва тавсифи: Фил. фан. буйича фалсафа доктори авторефати. – Қарши: 2019;

⁶ Саидалиева. М “Ўзбек прецедент номларининг қўлланилишидаги айрим жиҳатлар” Euro Asia, IV-International Congress on Multidisciplinary Studies. – Shymkent: 2019. – Б. 281, “Прецедент номлар тадқиқи юзасидан мулоҳазалар” Сўз савнати халқаро журнали/ Международный журнал искусство слова/ International journal of word. – Тошкент: 2021. – Б. 33-44; Ўринова З. “Прецедент номлар интертекстуал бирлик сифатида”, Алишер Навоӣ номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти унверситети. “Ўзбек тили тараққиёти ва халқаро ҳамкорлик масалалари” мавзусидаги халқаро конференция. Тошкент: – 2021. Б. 87-90; Хайитбоев М. “Тилшуносликда прецедент номларнинг ўрганилишига доир”, Таржима ва Лингвистика илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: 2015. – Б. 65-67; Жалилов Б. “Прецедент термини ва унинг турли луғатлардаги изоҳи” Fledu.uz. Scientific- methodological electronic journal “Foreign Languages in Uzbekistan” 2021, No 3 (38), 31-40.

шеърий ва насрий матнда прагмапоэтик қимматга эга поэтонимлар ва уларнинг турларини белгилаш;

поэтонимларнинг бадий нутқни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятини ёритиш билан ёзувчи ва шоирларнинг услубий маҳоратини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида замонавий ўзбек адабиёти намояндаларининг бадий асарлари ҳамда шеърий матнларда қўлланган фаол прецедент номлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини поэтик матнларда қўлланувчи прецедент номларнинг функционал ва лингвопоэтик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, концептуал таҳлил, функционал-семантик таҳлил, статистик ва лингвопоэтик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бадий услубда қўлланган прецедент номларнинг машҳурлик, рамзийлик каби лингвопоэтик хусусиятлари ҳамда уларнинг бадий концептларни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти далилланган;

шеърий матнда қўлланган прецедент номларнинг ўқувчида образли тасаввур уйғотиши, муайян воқеликни акс этиши каби функционал-семантик хусусиятлари контекст билан алоқадорликда изоҳланган;

прецедент номларнинг бадий матндаги *аллюзивлик, ономастик метафора, рамзийлик, ижтимоийлик, характерловчи, экспрессивлик, ассоциатив, эталонлик, стилистик, эстетик, лингвопоэтик* вазифалари аниқланган;

поэтонимларнинг *қиёслаш, интертекстуаллик, коммуникативлик, ўхшатиш, экспрессивлик, сўзловчи ном, ономастик метонимия, номинативликни* ифодаловчи функционал-услубий хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

прецедент номларнинг тадқиқи юзасидан билдирилган хулосалар матн тилшунослиги, лингвопоэтика, стилистика, нутқ маданияти, прагмалингвистика каби фанлардан яратилган дарслик ва қўлланмаларнинг такомиллашуви, шунингдек, ўқув луғатлари, масалан, поэтонимларнинг изоҳли луғати, махсус прецедент номлар луғатини яратишга хизмат қилиши асослаб берилган;

прецедент номларнинг бадий концептларни шакллантиришдаги ва лингвомаданий-лингвокогнитив билимларни бойитишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги далилланган;

диссертация поэтик матнларда қўлланувчи прецедент номлар замирида яширинган мазмун ва концептни англашда назарий манба сифатида хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги келтирилган методлар, аниқланган таснифлар, усуллар, назарий маълумотларнинг аниқлиги, илмий

ва бадий манбалардан олинганлиги, берилган мисолларнинг тизимли таҳлил этилганлиги, фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг хулоса ва натижалари ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лингвопоэтика соҳаси ривожланишида хизмат қилиши, ўзбек тилшунослигида поэтонимлар билан боғлиқ ечимини кутаётган муоммоларни атрофлича ўрганиш, машхурлик даражасига чиқадиган янги прецедент номларни аниқлаш, ономастика соҳасида зарур фундаментал тадқиқотлар яратишда назарий асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ўзбек тилида янги бадий, фольклор, реал, расмий, мифологик поэтонимлар луғатини тузишга ёрдам беради. Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларининг филология факультетларида матн лингвистикаси, услубшунослик, прагмалингвистика, нутқ маданияти фанларини ўқитишда ҳамда талабалар учун махсус илмий-амалий семинарлар ташкил этишда, дарслик ва қўлланмалар, жумладан, поэтонимларнинг изоҳли луғати, махсус прецедент номлар луғатини яратишда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадий матнда прецедент номларнинг услубий-функционал ҳамда семантик жиҳатларини лингвопоэтик нуқтаи назардан ёритишга бағишланган диссертацион ишда эришилган илмий натижалар асосида:

бадий услубда қўлланган прецедент номларнинг услубий-функционал ҳамда семантик хусусиятлари сифатида асосланган илмий хулоса ва натижаларидан “Матн тилшунослиги” номли дарсликни тайёрлашда кенг фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғига асосан 237-317-рақамли рухсатнома). Натижада дарслик илмий-назарий жиҳатдан мукаммаллашган;

прецедент номлар бадий матн таркибида турли лингвопоэтик вазифалар бажариб келиши, ўқувчининг онгида олдинги номлар ёки воқеа ҳодисаларга нисбатан ишора қилиши, прецедент номга айланадиган поэтонимларнинг бадий матндаги функционал-семантик имкониятлари ҳамда хулосаларидан “Услубшунослик асослари” ўқув қўлланмасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сон буйруғига асосан 500/t-006-рақамли рухсатнома). Натижада ўқув қўлланманинг тил билан боғлиқ муоммолари билан боғлиқ жараёнлар хусусан, прецедент номларнинг юзага келиши, мақоми, уларнинг ўрганилиши, бадий нутқда қўлланилиши ва унинг лингвопоэтикаси юзасидан берилган таклифлар бадий матнни ўқувчиларда янада образлироқ тасаввур уйғотишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган;

Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2020-2021 йилларда эфирга узатилган “Адабий муҳит”, “Кўнгил мулки” телекўрсатувларида ва “Маънавият – қалб кўзгуси” радиоэшиттиришларини тайёрлашда

фойдаланилган (Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 7 июлдаги 1201/90-сон маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар учун тайёрланган матнларнинг мазмуни мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республикада ҳамда 4 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 154 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тилшуносликда прецедент номлар талқини”** деб номланган дастлабки боби уч фаслдан ташкил топган. Биринчи фасл “Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида мавзунинг ўрганилиши” деб номланади. Мазкур фаслда прецедент истилоҳининг фанга кириб келиши, рус, инглиз ва немис тилларидаги изоҳли, энциклопедик, этимологик луғатлардаги таърифи келтирилиб, прецедент номларнинг манбалари, таснифи ҳамда кўпгина ижтимоий соҳаларнинг ўрганиш объекти эканлиги билан боғлиқ илмий қарашлар изоҳланади.

Прецедентлик ҳодисаси илк бор психоллингвистика ва маданиятлараро коммуникация назарияси соҳаларида тадқиқ этилган бўлиб, ҳозирги кунда тилшунос ва адабиётшуносларнинг диққат марказидаги объектга айланиб бормоқда.

“Прецедент” атамасининг ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларидаги изоҳли, энциклопедик, этимологик луғатларда турлича изоҳ ва таърифлари мавжуд. Хусусан, прецедент ном ёки исм “Лингвистик энциклопедик луғат”да қуйидагича изоҳланади: прецедент (*лот. praecedens – олдинда*

юрувчи, олдинги) – олдин, ўтмишда содир бўлиб, шу кўринишдаги кейинги бирликларга намуна ёки окловчи далил бўлиб хизмат қилувчи бирлик⁷. Бошқача айтадиган бўлсак, олдин мавжуд бўлган барчага таниш бўлган номнинг ўзга бир шахс ёки нарсага нисбатан қўлланилиши тушунилади. 1984 йилда нашр қилинган икки томли “Русча-ўзбекча луғат”да “прецедент” атамасига қуйидагича таъриф берилган: “ПРЕЦЕДЕНТ м. книж. (ўзидан кейин содир бўладиган худди шу турдаги воқеаларга намуна, ўрнатма бўла оладиган воқеа, ҳодиса): ўхшаш, тенг. случай, не имеющий – а прецеденти (ўхшаш, тенги) бўлмаган ҳолат; установить – прецедентни белгиламоқ (ўтмишда худди шундай воқеа ёки ҳодиса бўлганини аниқламоқ); судебный – юр. судпрецеденти”⁸. Ж.Бўронов, Ш.Бўтаев, М.Ирискулов, К.Раҳмонбердиевлар томонидан 2001 йилда нашр қилинган “English-Uzbek Dictionary” луғатида: “[precedent n – прецедент, воқеа, ҳодиса]”⁹; Ф.Сатимов томонидан 1999 йилда нашр қилинган уч тилли “English-Russian-Uzbek Dictionary of Juridical Terms” луғатида: “[precedent n – прецедент, предшествующий – аввал бўлиб ўтган, содир этилган]” каби маъноларда қўлланган¹⁰. 2015 йилда нашр қилинган “Langenscheidt Großwörterbuch“ номли немис тилига оид луғатда прецедент терминига қуйидагича изоҳ келтирилган: “[Präzedenfall – ҳодиса, натижаси келажак ёки шунга ўхшаш ҳолатлар учун намуна бўладиган иш]”¹¹. Ўзбек тилининг ҳозирга қадар нашр қилинган этимологик луғатларида ҳамда 1981 йилда ва 2006-2008 йилларда нашр қилинган Ўзбек тилининг изоҳли луғатларига, шунингдек, Т.Умаров масъул муҳаррирлигидаги 1990 йилда нашр қилинган “Энциклопедик луғат”га “прецедент” атамаси киритилмагани ва изоҳ келтирилмаганини таъкидлаш мумкин.

Прецедент тушунчаси суд-ҳуқуқ соҳасида муқаддам қўлланилган бўлса-да, ҳозирда мазкур соҳада ушбу атама деярли ишлатилмайди, ундан тил ва маданият соҳасида нисбатан кўпроқ фойдаланилади¹².

“Прецедент” атамаси тилшуносликда биринчи марта Ю.Н.Карауловнинг “Роль прецедентных текстов в структуре и функционировании языковой личности” номли мақоласида қўлланган¹³. Рус тилшуноси дастлаб прецедент номларни асар номлари ва иқтибослар таркибига киритган.

⁷ См.<http://ru.wikipedia.org>.

⁸ Русча-ўзбекча луғат. II том. – Т: 1984. – Б. 195.

⁹ Бўронов Ж., Бўтаев Ш., Ирискулов М., Раҳмонбердиев К. English-Uzbek Dictionary. – Т., 2001. – Б. 466.

¹⁰ Сатимов Ф. English-Russian-Uzbek Dictionary of Juridical Terms. – Т., 1999. – С. 208.

¹¹ Dieter Götz “Langenscheidt Großwörterbuch“ Deutsch als Fremdsprache. – München Wien: 2015. – С. 862

¹² Кавалов Г.Ф. Имя собственное как прецедент в рекламе/Вестник Воронежского государственного университета. Серия: Филология. Журналистика. 2004 № – С. 158.

¹³ Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Автореф. дисс.... канд.филол. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос.ун-т, 2002. – С. 24.

Прецедент номлар тилшуносликда, асосан, лингвокультурологик ва когнитив аспектда ўрганилган¹⁴. Чунки прецедент номлар, энг аввало, халқнинг маданияти ва лисоний хотираси билан боғлиқ бўлган ҳодиса саналади. Шу билан бирга, улар бирор предмет ёки тушунчанинг номи, яъни ономастик бирликлар сифатида ҳам қайд этилади.

В.А.Маслованинг фикрига кўра, муайян миллатларга яхши таниш бўлган матнлар ёки воқеалар билан боғлиқ бўлган шахс номлари прецедент номлар дейилади. Масалан, Обломов, Тарас Бульба каби¹⁵. Прецедент номлар қаторига халқларнинг машҳур инсонлари, қаҳрамонлари: Гўрўғли, Алпомиш, Беруний, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Кумуш, Фарҳод, Ширин, Отабек, Лайли, Мажнун, Тўмарис, Тохир, Зухра, Зулфия, Нодирабегим, Қодирийларни; Чарлз Дарвин, Гамлет, Ёилдирим Боязид, Геракл, Колумб, Отелло, Аристотель, Яго, Буратино, Арасту каби умумлисоний умумлашмага айланган номларни киритиш мумкин.

Хорижий ва ўзбек тилшунослигида прецедент бирликлар тадқиқига бағишланган айрим ишларни кўриб чиқиб, улардаги илмий ва назарий қарашларга таянган ҳолда прецедент ном (поэтоним) ларнинг структурал таснифи қуйидагиларни ўз ичига олишини кузатдик, уларни ўзбек тилидаги бадий матнларда қўлланилган мисоллар билан изоҳлашга ҳаракат қилдик:

1. Лексик поэтонимлар: илмий адабиётларда кўрсатилишича, ономастик бирликлар – атоқли отларгина прецедент номлар бўла олади. Шу нуқтаи назардан, биз мазкур структурал лексик таснифга (антропоним, топоним, мифоантропоним, библионим ва ҳ.к.) атоқли отларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Масалан,

*О, баҳор! Ўзингсан ҳаётбахш Масих,
Чўпни жонлантирган сеҳргар ўзинг.
Сен менга Худонинг дўстлик тухфаси,
Томиримга тутаиш чилвир илдизинг* (И.Мирзо. О, баҳор!)

2. Морфологик поэтонимлар:

а) жуфт сўз қолипидаги поэтонимлар

*Эсонқул бовоси, буларга бир дуо беринг, булар бир-бирига кўзу қош,
булар бир-бири билан Тохир-Зухра...* (Қ.Норқобил. Биз ҳам одаммиз).

3. Синтактик поэтонимлар:

а) сўз бирикмаси қолипидаги поэтонимлар

“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” (Абдулла Қодирий)

б) изофий бирикма қолипидаги поэтонимлар

Кўҳи қофга қадар кетардим, Лайлим,

¹⁴ Нахимова Е.А. Прецедентные онимы в современной российской массовой коммуникации: Теория и методика когнитивно-дискурсивного исследования. – Екатеринбург, 2011. – С.276; Попова Е.Ю. Прецедентные феномены в современном художественном дискурсе (на материале романов В.Нелевина “Generation “П” и “Числа”): Автореф. канд. ...филол. наук. – Саратов 2012. – С. 22.

¹⁵ Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Academia, 2001. – С. 53.

*Кўзингни бир бора кўрмоқлик учун.
На чора?.. Бу чархга қурбим келмайди,
Афсус, бу гардишига етмайди кучим* (И.Мирзо);

в) содда гап шаклидаги поэтонимлар

“Биздан озод ва обод Ватан қолсин” (Ислом Каримов)

г) кўшма гап шаклидаги поэтонимлар

“Нур борки, соя бор” (Ўткир Ҳошимов)

И.В.Захаренко, В.В.Красных, Д.Б.Гудков каби олимларнинг фикрича, прецедент номларга берилган таърифларни умумлаштириш натижасида бу тушунчага хос бўлган хусусиятларни қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ: 1) тил эгалари хотирасида мавжуд бўлишлиги; 2) машҳурлиги; 3) бирор машҳур матн ёки вазият билан боғлиқлиги; 4) рамзий маъно касб этиши¹⁶.

“Прецедент ном тушунчасининг моҳияти” деб номланувчи иккинчи фаслда прецедент номларнинг турлари, манбалари, тоифалари, гуруҳларга бўлиниши ва бадиий матнларда қўлланиши тадқиқ этилган.

Турли маданият вакиллари ўртасидаги алоқа амалиётининг кенгайиши дунё миқёсида сезиларли фарқларни нафақат лингвистик код билан, балки миллий характернинг ўзига хос хусусиятларини белгилайдиган маданий фактларни билиш билан ҳам очиб беради ва ўзлаштириш зарурлигини тақазо этади. Бундай фактлар, одатда, “прецедент” деб номланади. Улар дунё ғоясини минималлаштирилган шаклда белгилаб берувчи лингвокультурал ҳамжамият когнитив базасининг ядро қисмидир.

Прецедент номлар халқ маданиятида алоҳида ўрин тутаяди, улар миллий ўзига хос хусусиятларни акс эттиради. Прецедент номлар бошқа онимлардан дифференциал хусусиятлари, атрибутлари, энциклопедик маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу прецедент номларга маданий, тарихий ва ижтимоий маълумот беришга имкон беради. Прецедент ном ўзининг маъноси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, маълум бир тилшунос онгида шаклланган ғоя ва тасвирни ифодалашга ёрдам беради.

В.В.Красных, Д.Б.Гудков, И.В.Захаренко ва Д.В.Багаевалар прецедент номларни умумлашма даражаси кўламига кўра қуйидаги турларини қайд этадилар:

1. Миллий прецедент номлар.
2. Универсал прецедент номлар.

Миллий прецедент ном деганда, *Навоий, Тўмарис, Алломиш* кабиларни назарда тутсак, универсал прецедент номлар деганда, *Наполеон, Колумб, Аристотель* каби бутун дунё учун таниқли бўлган прецедент шахслар ва улар билан боғлиқ ишорани тушунамиз.

Тадқиқотчилар прецедентлик манбаи ва мақомига хизмат қилувчи қуйидаги номлар гуруҳини тадқиқ этишни тавсия қилишади: антропонимлар,

¹⁶ Захаренко И.В., Красных В.В., Гудков Д.Б. Прецедентное имя и прецедентное высказывание как символы прецедентных феноменов // Язык, сознание, коммуникация: Сб.статей. – М., “Филология”, 1997.– Вып.1. – С. 82 -103.

топонимлар, библионимлар, теонимлар, гидронимлар, хремотонимлар, зоонимлар, мифонимлар, эртақ қахрамонлари номлари, муқаддас китобларда келтирилган исмлар, ташкилот ва муассаса объектларининг номлари ва бошқа номлар¹⁷. Бу номларнинг турларини яна давом эттириш мумкин, улардан қуйидаги турлар прецедент ном сифатида фаол қўлланади:

- антропонимлар (киши исмлари);
- топонимлар (жой номлари);
- теонимлар (худо, маъбуд ва пайғамбарлар номлари);
- библионимлар (китоб ва матн сарлавҳалари).

Лингвистик материалларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, прецедент номларни яратишнинг кенг тарқалган манбалари сифатида: 1) муқаддас матнлар; 2) қадимги мифология; 3) бадий асарларни эътироф этиш мумкин.

Прецедент ном ҳар доим аксиологик ва экспрессивдир. Прецедент ном – бу экспрессив, рамзий, коннотатив функцияларга эга лингвокультурологик бирик, у маданий маълумотларни узатишга ёрдам беради¹⁸.

Бадий матнда прецедент номларнинг қуйидаги функционал-семантик жиҳатлари намоён бўлади:

1. Ўхшатиш вазифасини бажаради:

*Ҳозиргина келинчакнинг олдида ўзини **Алпомишдай** паҳлавон сезиб турган Мирза Ҳамид тили калимага келмай, чулдираб қолди.* (Х.Тўхтабоев, “Қасоскорнинг олтин боши”)

2. Воқеалар ва жойларга ишора қилади:

Нега чўчиб тушдинг?

Мурзак тасаввур,

Гўдак хаёлингга

Нималар келди?

*Балки **Одесс даҳшати**,*

***Керч фожиаси**,*

Ёввойи махлуқлар,

Қонхўр ваҳшийлар. (Ғ.Ғулом, “Сен етим эмассан”)

3. Машҳур географик жойлар билан боғлиқ асосацияларни онгда шакллантиради:

*Алишер Навоий хазратларининг бадияти шу қадар юксаки, Ҳимолай тоғида, денгиз сатҳидан саккиз минг саккиз юз қирқ саккиз метр баландликда жойлашган **Жомолунгма** чўққисига ўхшайди. Унга етаман деган одамнинг боши айланиб қулаб тушиши ва парча-парча бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.* (Ўткир Ҳошимов, “Дафтар хошиясидаги битиклар”).

¹⁷ Нахимова Е.А. Прецедентные онимы в современной российской массовой коммуникации: теория и методика когнитивно-дискурсивного исследования: монография. Е.: ГОУ ВПО «Урал. гос. пед. ун-т», 2011. – С. 85-99.

¹⁸ Гудков Д.Б. Некоторые особенности функционирования прецедентных высказываний [Текст]/ Вестник Московского университета, Журнал: Серия: 9 Филология. Номер: 4 Местоположение издательства: – М. 1997. – С. 106-107.

Биринчи бобнинг “**Бадий услубда прецедент номларнинг ўрни**” деб номланган учинчи фаслида прецедент номларнинг бадий матндаги ўрни, вазибалари ва мезонларига бағишланган. Бадий матннинг элементи сифатида номлар асардаги кўп маъноларнинг шаклланишига ёрдам беради. Прецедент номни ўрганиш муаллифнинг ғояси, асарнинг концепцияси ва ижроси билан боғлиқ бўлган номларнинг стилистик имкониятлари, уларнинг боғланиш тамойиллари ва усулларини ўрганишни ўз ичига олади.

Прецедент номлар тил ва нутқ бирликлари сифатида “дунё ва унинг тасвирини тузишда воқеликни ифодалаш, таснифлаш, концептуализация қилиш ва баҳолаш учун ишлатиладиган” тушунчалар вазибасини бажаради¹⁹.

Прецедент номлар матнни бирлаштириш ва тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қилади, улардан фойдаланиш ўқувчининг эътиборини матн шаклига қаратишга ёрдам беради.

Прецедентлик назариясида кўра, номлар қўлланиши жиҳатидан иккига ажратилади: денотатив ва коннотатив. Рус тили оммавий коммуникациясидаги прецедент номларни атрофлича тадқиқ этган Е.А.Нахимова Хиросима топонимини мисол сифатида келтиради. Масалан, **Хиросима** – деннотатив қўллашда Япония шаҳар номини англатса, коннотатив қўллашда эса “**атом бомбаси қурбони бўлган жой**” маъносини англатади. Олима прецедент номлар фақат метафорик ёки метаномик маънога эга бўлишини таъкидлайди²⁰.

Тилшунос тадқиқотчилар ўртасида долзарб масала – бу ҳозирги кунгача қизғин муҳокама қилинаётган прецедент номларни аниқлаш мезонларидир. Э.А.Нахимова ўз тадқиқотларида прецедент номларни танлашнинг бир нечта мезонларини кўрсатиб ўтган. Олиманинг фикрларига асосланган ҳолда, ўзбек бадий матнларидаги прецедент номларни танлашнинг қуйидаги мезонларини қайд этиш мумкин:

1. **График мезон** – оммавий ахборот воситалари матнларида, прецедент антропонимлар (атоқли номлар) турли имлолар билан учрайди: баъзи ҳолларда кичик ҳарфлар билан, баъзиларида катта ҳарфлар билан. Катта ҳарф муаллиф тасвирлаган отни прецедент ном сифатида белгилашини билдиради. Масалан, “*Орамизда Абдулла Ориповлар, Муҳаммад Юсуфлар, Нодираю Увайсийларнинг армонларини шеърятга кўчирган Зулфиялар*” ўтирибди. (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2005 й.)

2. **Морфологик мезон** – бу мезон прецедент номни бирлик ва кўплик шаклда қўллашни назарда тутди. Кўпинча, прецедент ном бирликда ишлатилади. Прецедент номлар баъзи ҳолатларда кўплик шаклда ҳам учрайди. Масалан,

*Сиз бугунги Кумушлар, аёл зотин сараси,
Сочингизни то абад ишқ қўллари тарасин,*

¹⁹ Фатеева Н.А. Контрапункт интертекстуальности, или интертекст в мире текстов / Н. А.Фатеева. – М.: Агар, 2000. – С. 3.

²⁰ Нахимова Е.А. Кўрсатилган асар. – С.124.

*Отабеклар топса ҳам қовушмоқлик чорасин,
Осон эмас экан-ку абад асрамоқ, суймоқ,
Осон экан-ку ахир Сизни бой бериб қўймоқ* (Ҳ.Худойбердиева
“Кумушнинг ўлимига”)

3. **Таниш белгили мезон** – прецедент ном учун энг характерли ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган мезондир. Одатда, сўзнинг ўзига хос қўлланишини таъкидлаш ва фойдаланиш учун прецедент ном қўштирноқ ичига олинади. Масалан, *Давримизнинг янги “Шералилари”*. (“Ўзбекистон адабиёти ва саънати” газетаси, 2008 й.)

Бадиий матнларда прецедент номлар бир қанча вазифаларни бажаради. Д.Анданиязованинг “Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи²¹” номли монографиясида прецедент номларнинг бадиий матнда бир неча вазифалари берилган:

1. Ташқи алоқадорликни ҳосил қилади, яъни матнлар орасидаги алоқадорликни таъминлайди. Бошқа бир матнга муайян мақсад билан ишора қилади. Турли воситалар орқали китобхон онгига мустаҳкам ўрнашган, унинг лисоний хотирасига жойлашган “таниш номлар” асарнинг кўпқатламлилигини таъминлайди.

2. Ички алоқадорликни ифодалашда, яъни бадиий матндаги қаҳрамонларнинг бирор бир хусусияти билан “таниш ном” ўртасида алоқадорлик ўрнатилади. Бунда ўхшатиш, қиёслаш, фарқлаш, шарҳлаш ёки эслатиш мақсад қилинган бўлади.

3. Экспрессивликни акс эттиради. Бадиий матннинг тушуниш жараёнини тезлаштиради. Мазкур номлар ёрдамида матннинг осон ва тез тушунилиши таъминланади.

4. Бадиий ифода воситалари таркибида келиб таъсирчанликни оширади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Прецедент номларнинг лингвопоэтик хусусиятлари”**га бағишланган. Бобнинг “Прецедент номларнинг бадиий концептларни шакллантиришдаги ўрни” деб номланган биринчи фаслида дастлаб концепт термини ҳақида фикр ва мулоҳазалар баён қилинган ва шеърӣ матнлардаги прецедент номлар концепт термини нуқтаи назардан таҳлилга тортилган.

Замонавий когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшуносликнинг асосий атамаларидан бири – бу концептдир. Концепт бадиий матнда “мавжуд муайян тажриба” – “ёзувчи мақсади” – “ёзувчининг бадиий нияти” – “ёзувчининг маҳорати” – “эстетик ифода” каби бутун бир тизимни ўзида акс эттиради. Демак, ономастик бирликлар лингвопоэтик концепт доирасида тадқиқ қилиниши амалга ошириладиган янги тадқиқотлар учун муҳим масалага айланади.

²¹ Анданиязова Д. Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи; Монография. – Тошкент: Турон замин зиё, – Б. 49.

Қуйида бир неча атоқли номлар концепт нуқтаи назаридан таҳлилга тортилди.

Тўмарис номи тарих китобларида “Тўмарис”, “Тўмрис”, “Тамирис”, “Тамирида” каби шаклларда учрайди. Тўмарис сўзи “из” юнонлар томонидан қўшилган қўшимча бўлиб, сўзнинг асл ўзаги “темир” деган тушунчани ифодалаб келади²². Тўмарис – милoddан аввалги VI асрда Туронда яшаган массагетлар маликаси, аҳмонийлар босқинига қарши курашга раҳбарлик қилган жасур саркарда аёл. Тўмарис антропоними Алпомиш, Жалолиддин каби номлар билан бирга қўлланиб, элнинг мард ва ватанпарвар фарзанди маъносини берувчи ономастик метафорани ҳосил қилади²³.

*Сени Тўмарис деб, мақтаганим бор,
Сен Темур бешигин тебратган бедор
Сенсан Бибихоним, Нодираи зор,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси.* (Абдулла Орипов, “Ўзбек Онаси”)

Шоир шеърда ўзбек оналарини мадҳ этиб, уларни Тўмарис, Бибихоним, Нодирага қиёслайди. Бу йўл билан бадий мазмун экспрессивлигини таъминлабгина қолмай, ўзаро кўчма маънодаги ономастик метафорани ҳам вужудга келтиради. Ўзбек шеъриятида Тўмарис, Бибихоним, Нодира каби сиймоларни кўплаб учратамиз. Тўмарис исми концепт сифатида массагет қабиласи сардори, кўчманчи, жангчи аёл рамзи, мардлик, жасорат, қасоскор, она, ватанпарвар тушунчаларини бирлашуви кўринишида намоён бўлади.

Мажнун – (арабча. жинни, девона). Ишқ-муҳаббат йўлида девона бўлган кимса; савдойидир. Мажнун – Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий қаламига мансуб Лайли ва Мажнун муҳаббатига бағишланган дostonлардаги бош образ, Лайлининг ишқида ақлу хушидан айрилган ошиқ. Ўзбек китобхонлари орасида Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” (“Хамса”нинг учинчи достони) асари орқали машҳур бўлди. Навоий достонида Мажнун муҳаббат туфайли одамлар наздида девона бўлган йигит сифатида, ботиний маънода эса Илоҳ ишқида ақлидан ажралган ошиқ сифатида талқин этилади. Мажнун антропоними кўчма маънода қўлланиб, ономастик метафорани ҳосил қилади. Бунда мазкур антропонимнинг номлик хусусияти кучсизланиб, “ошиқ, шайдо” сўзлари ифодалаган маънолар устунлик қилади²⁴.

*Ошиқда ишқ бўлса мукамал
Маъшуқани этармиш шайдо.
Мажнунлигим англаб у гўзал*

²² <http://baxtiyor.uz>.

²³ Худойберганава Д, Анданиязова Д. Ўзбек тили поетонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016. – Б. 96.

²⁴ Худойберганава Д, Анданиязова Д. Ўзбек тили поетонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Турон замин зиё, 2016 – Б. 59.

Зора севса, бамисли Лайло. (Эркин Воҳидов “Шоирга Мактуб”)

Э.Воҳидов “Шоирга Мактуб” шеърӣ парчасида ишқ мавзуси сифатида ёритилган. Шоир шеърда ишқ қаҳрамонлари Лайли ва Мажнун номларидан моҳирона фойдаланади. Шу тарзда шеърнинг бадий-мазмун экспрессивлиги таъминланади. Ушбу шеърӣ парчада Мажнун поэтоними бадий концепт даражасига кўтарилади. Мажнун концепти ўзбек халқи онгида қуйидагича ассоциацияланади: ишқ достони қаҳрамони, ошиқ образи, жунун, жинни, ақлдан озган, девона, телба, муҳаббат гадоси, тасаввуфда ҳақиқий обид рамзи. (Саид Аҳмад, “Қоракўз мажнун”)

Бугунги кунга қадар “Концепт” атамаси доирасида олиб борилган тадқиқотларга назар солсак, концепт, асосан, мавҳум отлар билан ўрганилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, “қўркув” концепти, “гўзаллик” концепти, “нафрат” концепти кабилар. Концепт прецедент номларга нисбатан кенгроқ ўрганилади. Прецедент номлар қайсидир қирраси билан концепт таркибига кириши мумкин. Масалан, аёл концептининг ичида Момо Ҳаво, Тўмарис, Барчин, Кумуш, Зайнаб, Ширин каби атоқли номлар ўрганилиши мумкин. Бунда аёл концептининг гўзаллик ва мардлигини ифодалашда Тўмарис ҳамда Момо Ҳаво образлари асос сифатида олинади. Шу нуқтаи назардан концепт тушунча сифатида қаралади.

“Бадий нутқда поэтонимларнинг услубий имкониятлари” деб номланган иккинчи бобнинг иккинчи фаслида ономастик бирликлар ва прецедент номга айланадиган поэтонимларнинг бадий матндаги функционал-семантик имкониятлари, вазифаларига эътибор қаратилган.

Бадий матнда иштирок этган ономастик бирликларнинг поэтик имкониятлари ва вазифаларини тадқиқ қилиш муҳим масалалардандир. Поэтонимлар бадий матнда эстетик вазифа бажаради ва кўплаб маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, ономастик бирликлар лингвопоэтикасини ўрганишнинг аҳамиятли эканлигини белгилаб беради.

Бугунги кунда бадий матндаги поэтонимларга турли аспектлар асосида ёндашилмоқда ва тадқиқ қилинмоқда.

Қуйида шеърӣятда қўлланган поэтонимларни характерли мисоллар орқали таҳлилга тортдик:

Асқар тоғ эдик-ку, нураётирмиз.

Кўнамиз, не илож, шунга ҳам шукур,

Ҳарқалай кўз тирик, кўраётирмиз,

Қарилик гаштини сураётирмиз. (Э.Воҳидов, “Қарилик гаштини...”)

Асқар тоғ топоними ўзбек халқига “Алпомиш” эпоси орқали яхши таниш. Достонда маҳобатли тоғ сифатида талқин қилинган. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғатида Асқар тоғ “олов тоғ” маъносини англатиши айтиб ўтилган. Шеърӣ парчада ушбу ороним “пахлавон, баҳодир” семаларини намоён қилиб, ономастик метафорага асос бўлган.

Қуйида насрий парчада қўлланган поэтоним ўқувчи кўз олдида эртак қаҳрамони сифатлари, характер-хусусияти билан боғлиқ тушунчаларни

